



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG‘OT TUMANI HOKIMINING
QARORI

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 12 - Mart

483 u -son

Bog‘ot shaharchasi

Мархум Отажонов Куромбойнинг
турар жой биносига бўлган эгалик
хукуқини белгилаб бериш тўғрисида

Боғот тумани “Янги кадам” шаҳарчасида яшовчи фуқаро Отажонов Отабек Курамбоевичнинг мархум отаси Отажонов Куромбойнинг “Янги кадам” шаҳарчасида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик хукуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 14 декабрдаги ХО-О-3481-сонли аризасини, “Янги кадам” шаҳарчаси фуқаролар йиғини маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонасининг Боғот туман филиалининг 2020 йил 3 ноябрдаги 4026-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20 январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Боғот тумани “Янги кадам” шаҳарчасида жойлашган 11 (ўн бир)та хонадан иборат, яшаш хоналари 4 (тўрт)та бўлиб, ички ўлчами 108,76 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 7 (етти)та бўлиб, ички ўлчами 135,71 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 244,47 квадрат метр, қурилиш ости майдони 360,02 квадрат метр, умумий ер майдони 1200,0 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан мархум Отажонов Куромбойга мулк ҳукуқи асосида унга эгалик ҳукуқи белгилаб берилсин.

2. Мархум Отажонов Куромбойнинг меросхўрлари ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширилганда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳукуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Марҳум Отажонов Қуромбойнинг меросхўрларига ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Қуръязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими



Ш.Яхшибаев